

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2026 йил февраль ойининг 3 куни жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар суди, очиқ суд мажлисида суд биносида, судья Н.Шарипованинг раислигида, судья ёрдамчиси Ж.Абдухошимовнинг котиблигида, давлат айбловчиси – Андижон шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси Ш.Адашев, судланувчи Ш.Р. ва унинг ҳимоячиси-адвокат Д.Махкамов, Х.Исмоилов, фуқаровий даъвогар Х.А.нинг иштирокида Р.Ш.Т.га нисбатан № 1-1701-2502/997 - сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра,

Р.Ш.Т. 1991 йил 12 июль куни Андижон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, муқаддам судланмаган, оилали, 2 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз,

рўйхатда туриб,

яшайди, иш юзасидан муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосасини ўз вақтида олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди, 228-моддаси 2-қисми “а” “б” бандлари ва 228-моддаси 3-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, тарафлар музокараси ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И

Судланувчи Ш.Р. 11.01.2022 йилдан 15.11.2022 йилга қадар тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича Андижон шаҳар, “Ўзбегим” маҳалла фуқаролар йиғини ҳоким ёрдамчиси лавозимида ишлаб келиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.12.2021 йилдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кўпайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 55-сонли қарори асосида фуқароларнинг номига кредит маблағларини олиш ва уларни ўз эҳтиёжлари учун сарфлаш бўйича жиноий режа тузиб, мазкур жиноий режаси асосида аслида Андижон шаҳар “Ўзбегим” МФЙ ўрамида истиқомат қилмаган фуқароларнинг номига сохта тавсияномалар ёзиб берганлиги аниқланган.

Судланувчи Ш.Р. суд мажлисида айбига иқроп бўлмасдан ҳақиқатдан ҳам 11.01.2022 йилдан 15.11.2022 йилга қадар тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни



кисқартириш масалалари бўйича Андижон шаҳар, “Ўзбегим” маҳалла фуқаролар йиғини ҳоким ёрдамчиси лавозимида ишлагани, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.12.2021 йилдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кўпайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 55-сонли қарори асосида маҳалла ҳудудидаги фуқароларнинг номига тавсияномалар бериши лозимлиги, “Ўзбегим” МФЙ ўрамида бозор жойлашгани сабабли, ҳудудни иқтисодий ривожлантириш мақсадида ҳудудда тадбиркорлик билан шуғулланган шахсларнинг номига ҳам тавсиянома ёзиб бергани, ушбу шахсларни тадбиркорлик билан шуғулланаётган жойи бозор ҳудудида бўлганлиги сабабли ҳамда ҳудудни иқтисодий ривожлантириш мақсадида уларга тавсияномалар бергани, бироқ улар қаерга кредит олиш учун мурожаат қилганлигини, кредит эвазига олинган мулкни нима қилишганини билмаслигини, фуқаролар тегишли шартномаларни ўзлари имзолаб, мулкларни хонадонига ёки иш жойига олиб келишганидан сўнг харид қилинган мулкларни олинганлиги ҳақида ушбу шахслар билан расмга тушгани, бироқ улардан мулкларни қайтариб олмагани, улар билан бил бириктирмагани, пулларни нақдлаштиришда иштирок этмагани, дахлдор эмаслигини, ушбу маблағлар банк орқали МЧЖ ҳисоб рақамига ўтказилгани, шартномада кўрсатилган товар моддий бойликларини етказиб бериш мажбурияти унинг зиммасида эмаслиги, ушбу мажбурият бевосита “[Redacted] МЧЖ масъул шахсларининг зиммасида эканлигини, “[Redacted]” МЧЖ раҳбари Ё.Абдуллаев, Н.Аматахунов билан тил бириктирмаганлиги, 2022 йил давомида М.Ў.А.нинг номига 37.400.000 сўм, Х.Ў.Э.нинг номига 33.000.000 сўм, М.О.Ннинг номига 33.000.000 сўм, М.О.И.нинг номига 32.100.000 сўм, И.А.Р.нинг номига 33.000.000 сўм, А.Г.А.нинг номига 33.000.000 сўм ва В.О.Н.нинг номига 30.000.000 сўм кредит маблағлари банк орқали “Абдуллахон Аюбхон” МЧЖ ва бошқа МЧЖларнинг ҳисоб-рақамларига ўтказилгани, кредит шартномаси банк ва қарз олувчи томонидан имзолангани, берилган кредитни мақсадли ишлатилиши текшириш далолатномаси банк ходимлари томонидан имзолангани, ваколати доирасида фуқаролар унга кредит олиш учун тавсиянома бериш учун мурожаат қилгани, кредитлар қарз олувчига у томонидан мустақила танланган таъминотчи билан маркетинг тизими орқали тузилган электрон шартнома асосида махсулот етказиб берилиши кўрсатилгани, Абдуллаев Ёқубжон Валаматхон ўғлини ва жамиятнинг бошқа вакиллари танимаслигини, “[Redacted]” МЧЖ ҳақида эшитгани, тергов органи тергов жараёнида гувоҳларни билан ҳам ўзаро тил бириктирганликда айб эълон қилинган шахслар билан уларни учраштирмагани, у ҳеч кимнинг мулкни фирибгарлик йўли билан қўлга киритмагани, иш юзасидан қонуний қарор қабул қилишни сўраб кўрсатув берди.

Фуқаровий даъвогар Х.А. суд мажлисида “Халқ банк”нинг юристконсулти лавозимида ишлаб келишини, судланувчи Ш.Р.ни танимаслигини, АТБ “Халқ банки” Андижон вилоят филиалларидан “Oila



credit.uz” тизими доирасида 2022 йил давомида М.Ў.А.нинг номига 37.400.000 сўм, Х.Ў.Э.нинг номига 33.000.000 сўм, М.О.Ннинг номига 33.000.000 сўм, М.О.И.нинг номига 32.100.000 сўм, И.А.Р.нинг номига 33.000.000 сўм, А.Г.А.нинг номига 33.000.000 сўм ва В.О.Н.нинг номига 30.000.000 сўм кредит маблағларини ажратилгани, ушбу маблағларни фуқароларнинг ўзи олгани, шартнома фуқароларнинг ўзи билан ўтказилгани, шу сабабли кредит маблағларини ушбу шахслардан ундириш борасида судга даво ариза киритгани, Ш.Р.нинг ушбу маблағларни қўлга киритганлиги борасида унда ҳеч қандай маълумот мавжуд эмаслиги, судланувчига нисбатан давоси йўқлигини айтиб кўрсатув берди.

Гувоҳ Б.М. суд мажлисида Андижон шаҳар ИИБ терговчиси лавозимида ишлаб келиши, жиноят иши юзасидан тергов ҳаракатларини олиб боргани, айблов хулосасини тузгани, бироқ жиноят иши доирасида “[REDACTED] МЧЖ раҳбари Ё.Абдуллаев, Н.Аматахуновни сўроқ қилмагани, уларга айб эълон қилинмагани, гувоҳлар ва Ш.Р.ни юзлаштирмаганини айтиб кўрсатув берди.

Гувоҳ Х.Б. суд мажлисида келинини номига Б.Ахмедов кредит расмийлаштириб олгани, ажратилган мулкларни уйга олиб келинганидан кейин эртасига Н.Аматахунов мулкларни олиб кетгани, судланувчи Ш.Р.ни танимаслигини, уни кўрмаганлиги, судланувчи Ш.Р.га нисбатан давоси йўқлигини у унинг ва оила аъзоларининг мулкани қўлга киритмагани билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ О.М. суд мажлисида судланувчи Ш.Р.ни танимаслигини, таниши Шахноза исмли аёл унга бозор ҳудудида тикувчилик билан шуғулланиш учун кредит ажратилаётганлигини айтгани, у рози бўлиб, Шахнозага фуқаролик паспортини бергани, у билан электрон калит олгани, АТБ “Микрокредитбанк”га боргани, у ерда бир қанча ҳужжатларга имзо қўйгани, тикув машинкаларини улар ишлайдиган бозор ҳудуддаги тикув цехига олиб боришгани, у ерда тикув машинкалари билан расмга тушгани, шундан кейин Шахноза ундан ушбу тикув машинкаларни олиб кетгани, кредит маблағларини ўзи тўлаб қўйишлигини айтгани, бироқ уни алдаб юрганлигини, у Ўзбегим МФЙда яшамаганлигини, бироқ Эски шаҳар ҳудудида тадбиркорлик билан шуғулланганлигини айтиб кўрсатув берди.

Гувоҳ Ў.М. суд мажлисида 2022 йил баҳор ойларида кредит олиш мақсадида сўраб-суриштирганимда қариндоши Микрокредитбанк Андижон филиали ишловчи Нуршод исмли шахсга мурожаат қилганлиги, Нуршод банкдан кредит олишда ёрдам беришини айтгани, жияни Шерзод уни Микрокредитбанк Андижон филиали олдига олиб боргани ва банк ходимлари унга ҳужжатларни расмийлаштириб беришгани, шартномаларга имзо қўйгани, Нуршод унга кредит маблағани нақд пул қилиб беришини айтгани, барча ҳужжатларни унга Нуршод ўзи қилиб бергани, бироқ кейинроқ у унга нақдлаштиргани, бироқ пулларни Ш.Р. олмаганлигини, уни муқаддам кўрмаганлигини айтиб кўрсатув берди. Гувоҳ А.Нишонов суд мажлисида таниши Нуршод унга банкдан кредит олишда ёрдам беришини



айтгани, пул зарурлиги сабабли тадбиркорлик билан шуғулланиш учун тикув машинкаси олмоқчи бўлгани, Микрокредитбанк Андижон филиалида у Нуршод билан мурожаат қилгани барча ҳужжатларни Нуршод тайёрлагани, ўзи Андижон шаҳар ДХМдан электрон рақамли имзони олиб, Нуршодга бергани, Андижон шаҳар, Лениский деб номланувчи жойга олиб бориб, у ердаги тикув машинаси сотадиган савдо дўконида расмга тушгани, лекин кредит чиқмагани, уни Нуршод алдаб, пулларни ўзлаштириб олгани, судланувчи Ш.Р.ни танимаслиги, у уни кредит маблағларини кўлга киритганини билмаслигини айтиб кўрсатув берди.

Суд, судланувчи Ш.Р.нинг зиммасига ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан қўйилган айбловни муҳокама қилиб:

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошқора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча айбсиз деб ҳисобланиши, айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланишини;

иккинчи хатбошисида айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса гумон қилинувчи, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги;

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасида, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шартлиги, иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда топилган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлиги, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оклайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олинishi лозимлиги;

-82-моддаси 1-қисмининг 2-бандида, ишни айблов хулосаси ёки айблов далолатномаси билан судга юбориш ва айблов ҳукми чиқариш учун “қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавfli оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш” исботланган бўлиши кераклиги;

-95¹-моддаси 1-қисмининг 6-бандига кўра, жабрланувчининг суриштирувдаги, дастлабки терговдаги судда далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топмаган кўрсатувларидан олинган бўлса, улар далил сифатида мақбул эмас деб топилиши кераклиги;

-463-моддасида, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-



кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги;

-Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида»ги 7-сонли Қарорининг 5-бандида, “судларнинг эътибори, ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилиши ҳамда судлар ҳукми ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак”лиги;

6-бандида, ишда тўпланган далилларнинг етарли эмаслиги ёки қўйилган айбловда судланувчининг тўлиқ айбдорлиги тўғрисидаги шубҳани бартараф қилишнинг имкони йўқлиги ҳақидаги суднинг асосланган хулосаси оқлов ҳукми чиқариш учун асос бўлиши, бу ЖПК 464-моддаси мазмунидан келиб чиқиши ҳақида тушунтириш берилган.

-8-бандида, судлар оқлов ҳукмини чиқаришга олиб келувчи, жиноий ходисанинг ёки жиноят таркибининг бўлмаслиги, жиноят содир этилишига судланувчи дахлдор эмаслиги тўғрисидаги асослар рўйхати ЖПКнинг 464-моддасида кўрсатилганлигини эътиборга олишлари лозимлиги ҳақида;

-9-бандида, қилмишда жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли (ЖПК 83-моддасининг 2-банди) оқлов ҳукми чиқариши ҳамда агар ижтимоий хавли қилмиш факти ва оқибатининг келиб чиққанлиги аниқланган бўлиб, бироқ суд муҳокамасида тақдим қилинган ва текширилган далиллар билан унинг судланувчи томонидан содир этилганлиги инкор этилса ёки ўз тасдиғини топмаса, суд шахсининг содир этилган жиноятга дахли бўлмаганлиги сабабли оқлов ҳукми чиқариши (ЖПК 83-моддасининг 3-банди) ҳақидаги раҳбарий кўрсатмасига амал қилган ҳолда суд, судланувчи Ш.Р.нинг ҳаракатлари юқоридаги бир қатор қонун нормаларини жиддий бузган ҳолда нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддасининг 4-қисми “а” банди фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан ўзганининг жўда кўп миқдордаги мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқни қўлга киритганлик учун жавобгарлик белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Пленум қарорининг 7-бандида мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик мазкур мулк айбдорга ёки бошқа шахсларнинг ҳайриқонуний эгаллигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тассаруф этиш реал имкониятига эга ўтган пайтдан тугалланган деб топилиши;

Шахс банкдаги пул маблағлари улар унинг банкдаги ҳисоб варақасига келиб тушган (ўтказилган) пайтдан бошлаб реал тасарруф қилиш имкониятига эга бўлганлиги туфайли, жиноят бу маблағлар уларни маблағ эгаси ҳисоб варақасидан алдаш ёки ишончини суистеъмол қилиш йўли



билан олган шахснинг ёки бошқа шахснинг банкдаги ҳисоб варақасига ўтказилган пайтдан тугалланган деб топилиши лозимлиги қайт этилган.

Бироқ, тергов органи Ш.Р.нинг зиммасига фирибгарлик содир этганлик ҳақидаги тугалланган жиноят содир этганликдаги айбловни қўйгани ҳолда, мулк унинг ғайриқонуний эгаллигига ўтганлик ҳолатини ва ушбу пул маблағини реал тасарруф этганлик ҳолатини ишончли далиллар билан исботланмаган;

шунингдек, Пленум қарорининг талабига кўра, банк муассасасининг пул маблағи унинг банкдаги ҳисоб рақамига келиб тушган пайтдан бошлаб, реал тасарруф қилиш имкониятига эга бўлган бўлиши лозимлиги қайд этилган, бироқ судда аниқланган ҳолатларга кўра, гувоҳлар Х.Б., О.М., Ў.М., А.Нишоновлар суд мажлисида банкка ўзлари боришгани, банк пулларни кейинчалик таъминотчининг ҳисоб рақамига ўтказишганини билдиришган, харид қилинган товар маҳсулотлар уларнинг уйига олиб келингани, бироқ уларни таъминотчини ўзи пулини нақдлаштириб олиб келиб беришини айтиб, олиб кетганлигини, С.Рахимов билан бу борада гаплашмагани ва келишишмаганини билдиришгани;

суд тергови давомида “Микрокредитбанк” АТБ ва “Халк банки” АТ ходимлари фуқаровий давогар сифатида терговдаги сўроқ баённомаларини, ҳар иккала шахс, гарчанд алоҳида юридик шахс вакили бўлса-да, бироқ айнан бир хил услубда, бирдаги сўзлар кетма-кетлигида, яъни «...Р.Ш.Т. 11.01.2022 йилдан 15.11.2022 йилга қадар тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича Андижон шаҳар, “Ўзбегим” маҳалла фуқаролар йиғини ҳоким ёрдамчиси лавозимида ишлаб келиб, эгаллаб турган лавозимига кўра масъул мансабдор шахс бўлгани ҳолда, жиноят содир этиш йўлига кириб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, ундан қасддан фойдаланиб, ноқонуний йўллар билан даромад орттиришни ўз олдига мақсад қилиб, ушбу ғараз ва паст мақсадини бир ўзи амалга ошира олмаслигини онгли равишда билгани ҳолда, бу каби жиноятларни содир этишга мойиллиги бўлган

МЧЖ раҳбари Ё.Абдуллаев, Н.Аматахунов ва бошқалар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳга бирлашиб, жиноий шерикларининг бевосита кўмагида Ўзбекистон Республикаси Президентининг

20.12.2021 йилдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кўпайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 55-сонли қарори асосида фуқароларнинг номига кредит маблағларини олиш ва уларни ўз эҳтиёжлари учун сарфлаш бўйича жиноий режа тузиб, мазкур жиноий режаси асосида аслида Андижон шаҳар “Ўзбегим” МФЙ ўрамида истиқомат қилмаган фуқароларнинг номига кредит ажратиш илинжида сохта тавсияномалар ёзиб бериб, шахсий электрон рақамли имзоларини қўлга киритиб, АТБ “Микрокредитбанк” Андижон вилоят филиалидан “Oila kredit.uz” тизими доирасида 2023 йил февраль ойи давомида Нишонов Азизбек Одилжон ўғлининг номига 37.500.000 сўм,



имтиёзли кредит маблағларини ажратилишига эришиб, ушбу маблағларни [REDACTED] МЧЖнинг хисоб рақамига ўтказиб, ушбу маблағлар эвазига шартномада кўрсатилган товар моддий бойликларини етказиб бериш чораларини кўрмасдан, мазкур маблағларни гуруҳ таркибида ўз эҳтиёжлари учун сарфлашиб, ўзларининг мазкур жиноий ҳаракатларини яшириш ва қонуний тус бериб ниқоблантириш мақсадида юқорида номлари зикр этилган фуқаро А.Нишоновга шартномада кўрсатилган маҳсулотларни етказиб берилганлиги тўғрисидаги хисоб-варақ фактураларни сохталаштириб, расмий ҳужжатларни қалбаки эканлигини билгани ҳолда улардан фойдаланиш мақсадида банк муассасасига тақдим этиб, ўзига ишониб топширилган ўзганинг жами 37.500.000 сўм маблағларини фирибгарлик йўли билан талон-торож қилган. Бундан ташқари, Р.Ш.Т. ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, [REDACTED] раҳбари Ё.Абдуллаев, Н.Аматахунов ва бошқалар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳга бирлашиб, жиноий шерикларининг бевосита кўмагида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.12.2021 йилдаги “*Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кўпайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*”ги 55-сонли қарори асосида фуқароларнинг номига кредит маблағларини олиш ва уларни ўз эҳтиёжлари учун сарфлаш бўйича жиноий режа тузиб, мазкур жиноий режаси асосида Андижон шаҳар “Ўзбегим” МФЙ ўрамида истиқомат қилувчи фуқароларнинг номига ёзилган тавсияномалар асосида шахсий электрон рақамли имзоларини қўлга киритиб, АТБ “Микрокредитбанк” Андижон вилоят филиали ва АТБ “Халқ банки” Андижон вилоят филиалларидан “Oila kredit.uz” тизими доирасида 2022 йил давомида М.Ў.А.нинг номига 37.400.000 сўм, Х.Ў.Э.нинг номига 33.000.000 сўм, М.О.Ннинг номига 33.000.000 сўм, М.О.И.нинг номига 32.100.000 сўм, И.А.Р.нинг номига 33.000.000 сўм, А.Г.А.нинг номига 33.000.000 сўм ва В.О.Н.нинг номига 30.000.000 сўм жами 231.500.000 сўм имтиёзли кредит маблағларини ажратилишига эришиб, ушбу маблағларни “Абдуллахон Аюбхон” МЧЖ ва бошқа МЧЖларнинг хисоб рақамига ўтказиб, ушбу маблағлар эвазига шартномада кўрсатилган товар моддий бойликларини етказиб бериш чораларини кўрмасдан, мазкур маблағларни нақдлаштириш йўли орқали ўз эҳтиёжлари учун сарфлашиб, ўзларининг мазкур жиноий ҳаракатларини яшириш ва қонуний тус бериб ниқоблантириш мақсадида юқорида номлари зикр этилган фуқароларга шартномада кўрсатилган маҳсулотларни етказиб берилганлиги тўғрисидаги хисоб-варақ фактураларни сохталаштириб, расмий ҳужжатларни қалбаки эканлигини билгани ҳолда улардан фойдаланиш мақсадида банк муассасасига тақдим этиб, ўзига ишониб топширилган ўзганинг жами 231.500.000 сўм маблағларини фирибгарлик йўли билан талон-торож қилган. Юқоридаги келтирилган ҳолатлар бўйича барча айбдор шахсларга нисбатан қонуний чора кўриб беришингизни ҳамда банк манфаатларига етказилган зарарни қопланишида амалий ёрдам



беришингизни сўрайман.....» - деб берган кўрсатувларини далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топмаганлиги, ҳар бир фуқаровий давогарнинг кўрсатувлари айнан бир ҳил эканлиги сабабли уларни ишончга сазовор бўлмаган кўрсатувлар деб баҳолашни лозим топади.

Шу билан биргаликда судланувчи Ш.Р.нинг зиммасига бир гуруҳликда жиноят содир этилган айбловни муҳокама қилиб, [REDACTED] раҳбари Ё.Абдуллаев, Н.Аматахуновларга нисбатан 2025 йил 13 мартда кўзғатилган бўлиб, бироқ ушбу шахслар тергов томонидан жиноят иши доирасида жалб қилинмаган, ушбу шахслар сўроқ қилинмаган, суднинг сўровига биноан 2026 йил 6 январда сиртдан айбланувчи тариқасида жалб қилиш ҳақидаги қарор қабул қилган, 2026 йил 27 январь куни Н.Аматахуновни гувоҳ сифатида сўроқ қилинган Н.Аматахуновнинг Ш.Р.нинг “тавсифнома ёзиб берганлигим учун унга озиқ-овқат ва бошқа хизматларини, яъни автомашинасига ёқилғи қўйиб берганман” деган кўрсатуви далиллар мажмуи билан тасдиқланмаган, [REDACTED] раҳбари Ё.Абдуллаев, Н.Аматахуновларга айб эълон қилинмаган ва Ш.Р.нинг айбдорлиги, шу билан биргаликда бир гуруҳ шахслар билан тил бириктирганлик ҳолатларини аниқламаган.

ЖПКнинг 464-моддаси иккинчи қисмида жиноят иши бошқа шахслар томонидан содир этилганлиги аниқланса, шунингдек судланувчига қўйилган айблов иш ҳолатлари батавсил текширилганидан кейин ишонарли тарзда ўз тасдиғини топмаса, суд ушбу модда биринчи қисмининг 3-бандида назарда тутилган асосларга кўра судланувчини оқлаши қайд этилган.

Юқоридагиларга асосан, гарчанд суд мажлисида ижтимоий хавфли қилмиш факти ва оқибати келиб чиққанлиги аниқланган бўлса-да, бироқ суд муҳокамасига тақдим қилинган жиноят иши материаллари ва текширилган далиллар ушбу қилмишни судланувчи содир этилганлиги инкор этади ва Ш.Р.га ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан қўйилган айблов ўз тасдиғини топмаганлиги сабабли суд, судланувчи Ш.Р.ни ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан ЖПК 83-моддасининг 2-бандига асосан реабилитация этиб, оқлашни лозим деб топади.

Суд, судланувчи Ш.Р.нинг бошқа шахсларнинг фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ҳужжатни такроран сохталаштиришда ифодаланган жиноий ҳаракатлари суд мажлисида етарли далиллар мажмуаси билан ўз тасдиғини топганлиги сабабли дастлабки тергов органи томонидан унинг ҳаракатлари ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблаб, унинг ҳаракатлари ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми билан, яъни ҳужжатни қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланишда ифодаланган ҳаракатлари ЖКнинг ушбу моддаси билан ортиқча квалификация қилинган деб ҳисоблаб, унинг ҳаракатларидан чиқаришни лозим топади.

Судланувчи Ш.Р.нинг ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а” бандида ифодаланган жиноий ҳаракатлари унинг ўзини суд мажлисида берган кўрсатувларидан ташқари, суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳларнинг



кўрсатувлари, кредит папкасига илова қилинган тавсифнома ва жиноят ишида мавжуд бошқа далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини тўлиқ топган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ш.Р.га нисбатан жазо тури ва меъёрини тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарори тушунтиришларига қатъий амал қилиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ва паст ниятларда содир жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, судланувчининг шахсини ва содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини ва жиноят содир этганидан кейинги ҳулқ-атворини инобатга олгани қонун санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни;

ҳукм қонуний кучга киргач эҳтиёт чорасини бекор қилишни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Р.Ш.Т. Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисми “а” банди назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбсиз деб топилсин ва унинг ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли ЖПК 83-моддасининг 2-бандига асосан реабилитация қилиниб, оқлансин.

Р.Ш.Т. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин

Ш.Р.га ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а” банди билан иш ҳақининг иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ундирган ҳолда 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ муддати судланувчи Ш.Р. ички ишлар органларида рўйхатга олиниб, корхона, муассаса ва ташкилотларда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисобланиб, жазони назорат қилувчи органлар белгилаган жойларда ўтатирилсин.

Ҳукм ижросини назорат қилиш Андижон шаҳар ИИБ зиммасига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач Ш.Р.га нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан, судланувчи ҳукм нусхасини олган кунидан ўн сутка муддат ичида жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар суди орқали Андижон вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят бериши ёки протест келтириши мумкин.



Хужжат имзоланган: Шарипова Наргиза Адхамовна, 26.02.2026

